

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

### **172** Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борт кузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-95) ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1733-1*

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1733, 2007 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 439-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борт кузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-95) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 февраль,  
90-Н-сон

**172, 175-моддалар**

**— 178 —**

**11 (771)-сон**

Ўзбекистон Республикаси  
парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлигининг 2017 йил  
23 февралдаги 90-Н-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари «Ўзбекистон  
Республикаси фуқаро авиацияси борт кузатувчиларининг  
ишларини ташкил этиш қоидалари»га (ЎЗР АҚ-95)  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 25-банд қуйидаги мазмундаги «к<sup>1</sup>» кичик банд билан тўлдирилсин:  
«к<sup>1</sup>) малакасини ошириш ва ушлаб туриш.».
2. 56, 60 ва 67-бандлардаги «икки йилда бир марта» деган сўзлар «бир  
йилда бир марта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.